

«Мен адои тамом бўлган одамман, лекин бахтиёрман. Хар калай, мен кўлимдаги косани таг-тугига қадар сипқориб улгурганимча йўк. Тўғри, жудаям оз бўлса-да, хали ичида нимадир бор. Уни сўнги томчисига қадар тотиб кўришдан умидворман. Агар яна озгина яшай олсам, албатта: анчагина кексайиб қолганман, бир оёғим тўрда бўлса, бир оёғим гўрда.

Мана, талай йиллардан буён ҳамма менинг ижодий таназзулга юз тутганимни, ёзувчи сифатида узил-кесил ва тамомила “ўлиб бўлганимни” уқтиради. Бу хусусда очик-ошқор айтмасалар-да, ўзларича шундай ўйлайдилар. Менинг эълон қилган хар бир янги асарим қиялик бўйлаб пастга қараб қўйилган яна бир қадам сифатида баҳоланади. Шундай, тобора пастлаша-пастлаша, охир-оқибат, боши берк кўчага кириб турибман.

Хаммасига аввало ўзим сабабчиман. Мен ўттиз йилдан кўпроқ вақт мобайнида онгли равишда, аввалдан пухта ўйланган режа асосида аста-секин, бироқ тўппа-тўғри тубсиз чоҳга қараб йўл юриб келдим.

Бошқачароқ айтганда, деб сўрайсиз сиз мендан, сен ўзинг шу кўргиликни истаб, ўзингга ўзинг чоҳ казидингми, бундан чиқди?

Ха, шундай, хонимлар ва жаноблар, худди шундай. Мен ўз ижодимда аввалига кўз камаштирар юксакликларга кўтарилдим. Машхурлик шохсупасига чиқдим.

Жамоатчиликда катта кизиқиш уйғотдим.

Омадим юришгандан юришаверди. Шу кетишда янаям юксакроқларга парвоз қилишим мумкин эди. Агар истасам бас, ортиқча зўриқишларсиз тўла ва мутлоқ шухратга эришган бўлар эдим.

Лекин мен истамадим.

Бунинг устига, мен батамом бошқача йўл танладим. Ўзим эришган юксакликдан (эътиборингиз учун, ижодда, майли, Химолай демай, хар калай, Монторозанинг энг баланд чўкқисига менгзағулик анчагина юксак кўрсаткичларга эришганман!) секин-аста пастга тушишни маъқул кўрдим. Юқорига кўтарилаётганимда сакраб-сакраб ўтганим айни ўша йўлни қуйига тушаётганимда бошқачароқ тарзда босиб ўтишга аҳд қилдим. Аянчли ахволда паст кетишининг бутун аччиқ аламини татиб кўришим керак эди. Эътибор беринг, аянчли, бироқ факат бир қарашдагина шундай. Зотан, мен бу аста-секин тушишдан чинакамига хузур-халоват туйдим. Шу бугун кечкурун мен сизга хаммасини батафсил тушунтириб бермоқчиман. Дил сандигимда узок сакланган ботиний сиримни очиб кўрсатмоқчиман. Арзи холим саҳифаларини гилофга жойлаб, устини елимлаб қўяман, токи улар мен бу дунёни ташлаб кетганимдан кейингина очиб ўқилсин. Қирк ёшимда ижодий ютуқлар уммонида чаппор урганча қулочкашлаб сузар эканман, камина ўз-ўзимга каттик мафтун-махлиё эдим, бироқ, хайтовур, ажойиб қунлардан бирида кўзим очилди.

Оламшумул шон-шухрат, довруқ, асъаса-дабдаба, халқаро эътироф, машхури жаҳонлик – айнан шуларга мен бутун жон-жаҳдим билан интиланган эдим-а, буни қаранг! – қутилмаганда кўз олдимда ўзининг кип-яланғоч ночор-нотавонлиги билан яққол намоён бўлди-қолди.

Машхури жаҳонликнинг моддий жихатлари мени қизиқтирмас эди. Чунки ўша пайтлардаёқ анчагина бой, ўзимга тўқ эдим. Хўш, яна нима керак?.. Қарсақлар, галаба нашидаси, жимжимадор саробми?.. Айни шуларни деб қанча эркак ва аёллар шайтонга ўз жонларини сотмадиларми? Хар гал бу осмондан ёғилган чалпақнинг урвогини татиб

кўрганимда огзимда унинг аччикдан-аччик, кўнгилни айнитувчи таъмини хис киладиган бўлиб колдим. Машхури жахонликнинг энг олий даражаси нима, деб сўрадим ўзимдан. Жавоб ҳам топдим. Нихояти шундан иборатки, кўчада кетаётганингизда одамлар аланглаб карашади-да, ўзаро шивирлашади: ана, кўряпсанми, ана у!.. Шугина, холос! Бунинг устига, эътибор беринг, хатто мана шу асоссиз хузур-халоват ҳам факатгина машхур сиёсий арбоблар ёхуд шон-шухрат гулчамбарига ўралган киноюлдузларнинггина чекига тушар экан, холос. Хозирги пайтда оддийгина ёзувчига эътибор беришлари учун – билмадим, кандай мўъжиза юз бериши керак.

Устига устак, медалнинг орка томони ҳам борлигини айтмайсизми! Таникли ёзувчининг кундалик хаёти канчалик дўзах азобига айланиб қолишини сиз биласизми ўзи: битмас-туганмас мажбуриятлар, мухлисларнинг хатлари-ю телефон кўнгириклари, интервьюлар, учрашувлар, матбуот анжуманлари, радиода чиқишлар ва бошка шулар каби беҳисоб-бемаза дахмазалар. Лекин мени кўрkitган нарса булар эмас! Каминани каттик сергак торттирган ва безовта килган куч бутунлай бошка нарса! Мен шуни сезиб колдимки, шахсан ўзимга қарийб ҳеч кандай хузур-халоват бахш этолмайдиган ҳар бир ижодий ютугим... кўпчиликни каттик азоб-укубатларга гирифтор килар экан! О, менинг ижодий хаётимдаги энг қувончли лахзаларда дўстларим ва қаламкаш биродарларимнинг безовта-беҳаловат авзолари ўзимда канчалик ачиниш, раҳм-шафкат хисларини уйготганини билсангиз эди! Ўзим билан эски кадрдонлик ва умумий манфаатларнинг мустаҳкам ришталари орқали маҳкам боғланган ажойиб-ажойиб йигит-кизлар, виждони уйғок захматқашлар – нега энди улар азоб чекишлари керак?!

Ана ўшанда мен ҳаммасини тарозига қўйдим-да, яхшигина тушуниб етдимки, каминанинг ижодий парвоз иштиёки атрофимдагиларни канчалар азоб-укубатларга гирифтор килмоқда экан... Шу яхшими? Гунохқорман – бу хусусда аввалроқ ўйлаб кўрмаган эканман. Энди эса, чуқур мулоҳаза қилиб, ўзимча каттик виждон азобини хис килмоқдаман.

Яна бир нарсани тушуниб етдим: агар шу шиддат билан ижодий юксалишда давом этаверсам, янгидан-янги шухрат гулчамбарларига сазовор бўлишим муқаррар. Лекин бу ҳолда яна канча одамларнинг юраклари торайиб, қон босими ошиб, ўзини қўйғали жой тополмай қолар эканлар? Ахир, шу қўйга солишим уларга нисбатан инсофданми?! Бу дунёи дун турли хил азоб-укубатларга тўла. Бирок ҳасад-бахиллик инсон қалбига энг чуқур, энг қонли, узок вақтгача минг бир машаккатлардан кейин ҳам битиши даргумон бўлган жароҳат муҳрини босувчи туйғу эканки, одам боласининг бу ночор-нотавон аҳволига қараб туриб кўнглингизда раҳм-шафкат, меҳр-мурувват хислари беихтиёр жўш уради.

Энди мен ўз гунохимни ювишим керак – бундан бошка чора йўқ! Шунда мен узил-кесил бир тўхтамакка келдим: Худога шукр, анчагина хайрли ишларни қилиб улгурдим. Хозирга қадар мен, омади қулиб қолган одам, ўзимга ўхшаганларга кўпдан-кўп озор бериб келдим. Энди эса, уларни хотиржам-хурсанд қилиб, уларга омадимни бош-бутун қайтараман! Азобларга чек қўйиш – ахир, мана шу эмасми – қувонч? Ахир қувонч аввалги кечирилган азоблар ўрнини босса ёмонми?

Иш суръатини сусайтирмаган ҳолда ёзишда давом этаверишим керак, токи ҳеч кимда “ўз ихтиёри билан воз кечди, ташлаб қочди” деган ноҳуш таассурот уйғонмасин. Бу иш менинг ҳамкасбларим кўнглида етарли таскин-тасалли, қутилган қувончни уйғотиши амримаҳол. Йўқ, яхшиси ҳаммасини аҳмоқ қилиш керак, қалғитиш керак, истеъдодни энг гуллаб-яшнаб турганида сир саклаб, гўё илҳом булоғи қуриб бораётгандек, тобора

ёмонрок ёзиш керак, тамом-вассалом.

Токи мендан янги ижодий парвозни кутаётган одамларни ўзимнинг ижодий таназзулим – паст кетишим билан алланечук ёкимли таажжубларга солай!

Вазифа бир карашдагина енгил! Зотан, рангсиз-туссиз, очик-ошкор ўртамиёна асар ёзиш осон иш деб ўйловчилар у каттик янглишадилар. Аслида, хаммаси анчагина огир ва бунинг иккита мухим сабаби бор.

Биринчидан, мунаккидларни каттик бир силкитиб, уларни ошириб макташ одатларидан воз кечишга мажбур килишимга тўғри келади. Ўша пайтда нафосат кўргазмасида алохида ўринга эга, обрўси баланд, улкан адиблар каторига мансуб эдим-да. Мени ошириб макташ қарийб қатъий риоя қилиниши зарур бўлган қоидага айланиб улгурган эди. Мунаккидлар эса, маълумингизким, хамма нарсани жой-жойига қўйиб бўлганларидан кейин, қани энди уларни ўз фикрларидан воз кечишга мажбур қилиб қўринг-чи! Улар менинг ёзадиганимни ёзиб бўлганимни сезишарми экан, ёки ўзларининг ошириб макташлардан иборат бахоларида каттик оёқ тираб туриб олаверармиканлар? Иккинчи сабаб. Қон деганлари оддийгина сув эмас-да, азизлар! Сиз ўзимдаги даҳоликнинг асов юлкинишларини бўйсиндириб, уни босиб туриш менга осон бўлди деб ўйлайсизми?! Нечогли жўн ва ўртамиёна бўлиб қўринишга уринмайин, истеъдод ёлқини ўзининг илохий қучи билан сатрлараро сизиб юзага чиқиб қолиши эҳтимолдан холи эмасди-да, ахир.

Чинакам сўз санъатқори учун жўнгина қаламқаш бўлиб қўринишнинг турган-битгани азоб, хатто агар ўзингизни аслингиздан ёмонрок қилиб қўрсатишни астойдил истаганингизда ҳам.

Хар қалай, бу ишни бир амаллаб уддалашга муваффақ бўлдим. Йиллар ўтиши билан мен ўзимнинг тутқич бермас табиатимни жиловладим. Истеъдодсизликни шунақанги нозик, қойилмақом қилиб қўрсатишни ўрганиб олдимки, шунинг ўзиёқ улуг истеъдоднинг аниқ-равшан далили бўла олади. Мен бирин-кетин, бири биридан бўшроқ қитоблар ёзавердим. Бадиий ифода ва ҳаёт ҳаққониятидан минг фарсах йироқдаги бу қадар ланж, энса қотирар даражадаги сохта қораламалар менинг қаламим остидан қикқанини қим ҳам ўйлабди дейсиз! Бу ёзувчининг аста-секинлик билан ўз жонига қасд қилишига баробар иш эди.

Менинг янги пайдо бўлган хар бир асаримдан кейин дўстларим ва ҳамқасбларимнинг қиройлари очилиб, юзларидаги ажинлари ёзила борди. Мен у бечораларни аста-секинлик билан ҳасаднинг огир юқидан ҳалос қилавердим. Натижада, уларнинг ўзларига бўлган ишончлари яна орта борди. Яшаш иштиёқлари қучайди.

Ёнг мухими – мени қайтатдан астойдил севиб бошладилар. Қисқаси, яйраб-яшнаб бошладилар. Қанчалар узок вақт уларнинг нақ бўғизларида суяқдек тикилиб турган эканман-а мен! Энди эса, ўта эҳтиётқорлик ва гамхўрлик билан уларнинг жароҳатларига малҳам босиб, ўзларини қушдек енгил ҳис қилишларига имқоният яратиб бермоқдаман. Қарсақлар сусайди. Мен ўзимни сояга олдим. Лекин тақдиримдан миннатдор эдим. Атрофимдаги мунофиқларча сохта мактовларга йўғрилган қитоб-ундовлар исқанжасидан ҳалос бўлдим. Энди мени сидқидил муҳаббат ва самимий миннатдорчиликнинг қайноқ тўлқинлари қучгай бошлади. Дўстларимнинг овозларида барқамизнинг ёшлиқ қогларимиздаги, ҳали инсоний тубанликларнинг қўчасидан ҳам ўтмаган ва олис-олисларда қолиб қетган яхши қунлардаги қабил тоза, бегубор-бегидир, олиёҳиммат муносабат оҳангларини қайта илғай бошладим.

Бу қанақаси бўлди, деб сўрайсиз сиз мендан, демак, сен атиги беш-ўн тагина

хамкасбларинг учунгина ёзган экансан-да, бундан чикди? Ёзувчилик шарафи нима бўлди? Адабий жамоатчилик-чи? Сен кўнгилларини ёриштиришинг мумкин бўлган, бугунги кунда яшаб турган ва келгусида тугилажак кўпдан-кўп китобхонлар-чи? Демак, сенинг санъатинг, махоратинг аслида ҳам хаминкадар экан-да, а? Демак, истеъдодинг шу кадар ночор-нотавон экан-да?

Жавоб бераман: ха, сиз хаксиз, дўстларим ва каламкаш биродарларим олдидаги карзим – бутун башарият олдидаги мажбуриятимга таккослаганда ҳеч нарса эмас, албатта.

Лекин мен ўз якинларимни, бутун сайёрамиз бўйлаб сочилган кўзга кўринмас китобхонларимни, учинчи минг йилликда келадиган авлодларни зигирча ҳам хафа қилмаганман. Бутун хаётим давомида Парвардигори Олам зиммамга юклаган шарафли вазифани яширин равишда сидкидил адо этдим. Илохий илхом канотларида учар эканман, мен ўзимнинг асл мохиятимни ёркин акс эттирувчи асарлар ёздим. Улар мени эртадир-кечдир осмони-фалакка кўтариб, шон-шухратнинг энг баланд чўккисига олиб чиқа олади. Ха, улар аллақачон ёзилиб ётоқхонамдаги катта бир кутига тахлаб кўйилган. Накд ўн икки жилд! Сиз уларни менинг вафотимдан кейин ўқийсиз. Ўша пайтда дўстларимнинг кайгуришлари учун сабаб бўлмайди. Мархумнинг ҳамма айбларини осон кечириб юборадилар, хатто унинг ўлмас асарлар ёзганини ҳам! Тўгри, ўшанда дўстларим нописандлик билан истехзоли кулишади-да, бош чайкаб туриб айтадиларки, “Канаканги аблах экан-а, у ҳаммамизни догда қолдириб кетибди-я! Биз бўлсак, у қариган чогида ёш боладек бўлиб қолди деб ўйлабмиз-а!..”

Нима бўлганда ҳам сизга...»

Ёзув шу ерда узилиб қолган эди. Кекса ёзувчи ўз дилномасини тугатолмабди. Сабаби жон таслим қилибди. Уни ёзув столи олдида ўтирган холда топишибди. Ок коғоз устидаги синган қалам билан ёнма-ён унинг сочлари оппоқ оқарган боши ўзининг энг сўнги ва энг улуг хотиржамлигида ҳаракатсиз ётар эди.

Ёзувни ўқигач, якинлари ётоқхонага қирдиларда, қутини очдилар. У ерда жами ўн икки дона қалин коғоз тахламини кўрдилар: тахламнинг ҳар бири юз бет!.. Мутлақо ёзилмаган, хатто бир белги ҳам қўйилмаган...

Рус тилидан Отаули таржимаси

“Ёшлик” журналининг 2010-йил 4-сонидан олинди.